



VICTIMOLOGICAL DESCRIPTION OF VICTIMS IN ATTACKS AGAINST THE SEXUAL INTEGRITY OF A MINOR

Khaidarov Mirali Akmalovich

Law of the Republic of Uzbekistan
graduate student of the Academy of Protection
mirali.khaydarovv@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10912086>

ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024
Accepted: 30th March 2024
Online: 31th March 2024

KEYWORDS

*Immunity, juvenile, victimology,
victimization, crime,
punishment, classification,
juvenile, committing,
committing.*

ABSTRACT

This article analyzes the issues related to the victimological description of the victims in the attacks against the sexual integrity of a minor.

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ТАЖОВУЗЛАРДА ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ТАВСИФИ

Хайдаров Мирали Акмалович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти
mirali.khaydarovv@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10912086>

ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024
Accepted: 30th March 2024
Online: 31th March 2024

KEYWORDS

*Дахлсизлик, вояга етмаган,
виктимология, жабрланиш,
жиноят, жазо, тасниф,
ўсмир, содир, этиш.*

ABSTRACT

Мазкур мақолада вояга етмаган шахсни жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган тажовузларда жабрланувчиларнинг виктимологик тавсифига доир масалалар таҳлил этилган.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган тажовузларни таҳлил қилишда жабрланувчиларнинг шахсини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтказилган кузатишларга қараганда, 28,7% ҳолатларда жабрланувчиларнинг виктим хулқи жиноят содир этилишига сабаб бўлган. Номусга тегиш жинояти бўйича 29% ҳолатларда - вояга етмаган жабрланувчилар ўзларининг енгилтак хулқ-атвори билан тавсифланган, 15% ҳолатларда эса уларга жамоатчилик томонидан салбий тавсиф берилган. Шунингдек, жинсий жиноятларда болаларнинг виктимлиги ҳам



юқори ҳисобланиб (масалан, биргина ГФРнинг ўзида ҳар йили болаларга қарши қаратилган 8000 га яқин жинсий жиноятлар рўйхатга олинади¹), бундай виктимлик аксарият ҳолатларда ички оилавий можаролар ва болаларнинг назоратсиз ҳолда қолдирилишидан келиб чиқади².

Шунинг учун ҳам вояга етмаган жабрланувчиларнинг умумий ва криминологик тавсифи масаласига келганда дастлаб бевосита вояга етмаганнинг умумий тавсифини билиш талаб этилади.

Вояга етмаганлар мактабгача ёшдан бевосита катталарнинг кўр-сатмаларига амал қиладилар. Улардаги шахсий фаолият қоидалари, қарашлар ва ишонч муҳим аҳамиятга эга бўлади³. Ўсмирларда катталарнинг сўзи ва қарашларини танқидий баҳолаш жараёни бошланиб, уларда танҳоликка нисбатан эҳтиёж туғилади. Бошқа бир томондан эса ўсмирлар катталарга ўхшашга интиладилар⁴. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ижобий ва ижтимоий салбий ҳолатларга эгадир: салбий ҳолат, хусусан, катталарнинг салбий юриш-туришларини ўзларида такрор қилиш, ҳиссиётларни яшириш ёки ўзлари жиноят содир қилишларида кўринади. Мазкур ҳолат эса вояга етмаганлар ўртасида криминоген ҳолатларнинг кучайишига олиб келади.

М.П.Якобсоннинг фикрича, ўсиб бораётган мактаб ўқувчисининг таъсирчанлик доираси қандайлигини билиш унинг ўзига яқин турган шахсларни қандай қабул қилиши, ижтимоий фаолият қоидаларининг қандайлиги ва ижтимоий ўзгаришларни қандай баҳолашини аниқлашга имкон беради⁵. Яъни, мутахасислар томонидан олиб борилган кузатишлар маълум даражада умумий қонуниятларни аниқлаш имкониятини беради: қаерда вояга етмаганларнинг билим даражаси, маданий савияси қолюқ бўлса, шу ерда бошқа жиноятлар қаторида жинсий жиноятларнинг содир қилиниши учун кўпроқ шароит-лар юзага келади.

Бундан ташқари, вояга етмаган жабрланувчиларнинг умумий тавсифи уларнинг шахсидаги қуйидаги хусусиятларни ўз ичига қамраб олади:

1. Ўқишга қизиқишнинг йўқолиши, ўқув жамоасидан, унинг талаб ва фаолиятидан ажралиш, жавобгарлик ҳисси йўқолиши: масалан, беш ҳолатдан 4 тасида ушбу вояга етмаган бошқа тенгдошларидан билим олиш борасида сезиларли орқада қолганлар. Бунда билим олишнинг ижтимоий кучсизланиши даражасига қараб ўсмир бўш вақтини бетартиб ўтказишга кўпроқ интила бошлайди.
2. Ишга бўлган қизиқишнинг йўқолиши. Иш билан боғлиқ бўлган топшириқларга бефарқлик, жавобгарлик ҳиссининг пасайиши.

¹ Bohndorf, D. Mord, Raub, Terror, Drogen ... Kriminalitat im Imperialismus heute / Dieter Bohndorf, Reinhard Gelbhaar. Berlin, 1987. - S. 44.

² Schwind, H.-D. Kriminologie: e. praxisorientierte Einf. Mit Beispielen / von Hans- Dieter Schwind. – 2, durchges. u. aktualisierte Aufl. Heidelberg, 1988. - S. 266.

³ С.С.Ниёзова. [Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий ёндашувлар](#). Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences.Т. 2018. №4. 82-86 бетлар.

⁴ Жетписбаев Б.А. Социально-правовые аспекты девиантного поведения несовершеннолетних // Ж. Человек и право. - 2000. - № 4(6). – С. 58-63.

⁵ Якобсон М.Н. Эмоциональная жизнь исполнина. – М., 1966. – С. 14.



3. Жамоат ишларида иштирок этмаслик. Дам олиш ва турмуш соҳасида салбий йўналишга мойиллик (масалан, спиртли ичимликлар ичиш ёхуд бирон бир жиноят содир этиш ва ҳ.к).

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган тажовузларда жабрланувчининг криминологик характеристикасини тавсифловчи омилларнинг энг кўп тарқалганлари сифатида: вояга етмаган шахснинг тажовузчи билан биргаликда спиртли ичимликларни истеъмол қилиши; вояга етмаганнинг ахлоқ нормаларига зид хулқи; беҳаё кийимлар (мини юбкалар ва бошқалар); суҳбатларни жинсий мавзуларга айлантириш; беҳаё ҳазиллар, анекдотлар ва бошқалар⁶ни кўрсатиш мумкин.

Вояга етмаган жабрланувчи шахсининг криминогенлиги унинг ижтимоий моҳиятидир. Шахсда бундай криминогенлик хусусияти тажовуздан бир мунча олдинроқ юзага келган бўлиши ҳам мумкин. Яъни бу ҳолат “агар келажакда тажовуз бўлган тақдирда ҳам буни ҳеч кимга айтмаслик ҳақидаги фикрининг мустахкамланиши”да ўз ифодасини топади.

Вояга етмаганнинг иродавий доирасида унинг уятчанлик ҳисси ҳамда тажовузчидан кўрққанлиги криминоген вазиятнинг сақланиб қолишида салмоқли ўринни эгаллайди, бу эса кейинчалик ҳам унга нисбатан бу турдаги тажовузларнинг бир неча бор такрорланишига имкон яратиб бериши мумкин.

Жинсий дахлсизлиги (ёки эркинлиги)га бўлган тажовуз жинсий алоқа билан боғлиқ ҳолда содир этилганда вояга етмаган шахс дахлатга тушиши, ўзини йўқотиб қўйиши каби ҳолатларни бошдан кечириши мумкин. Кўпчилик жабрланган вояга етмаганлар кейинчалик юз берган ҳолат юзасидан берилган саволларга уялиб жавоб бера олмайдилар. Номусига тажовуз қилинган вояга етмаган қизларда зўрланганидан кейин узоқ вақтгача кўрқув, асабийлик, атрофдагиларга ишонмаслик, ўзига ҳурматсизлик, руҳий бузилиш ва эмоционал қийинчиликлар⁷, баъзан жонига суиқасд қилиш ҳоллари юз бериши мумкин. Айрим вояга етмаганлар кўрққанидан ёки қонунни билмага-нидан тажовуз тўғрисида ҳеч кимга хабар бермайди. Яна бир жиҳати борки, бунда жабрланувчиларнинг аксарият қисмида айбдорлик ҳисси сақланиб қолаверади ва кейинчалик жинсий ҳаёт соҳасида муам-моларни юзага келтиради⁸.

Вояга етмаган жабрланувчи шахсининг виктимлигини тавсифловчи хусусиятлар қаторига унинг кўрққанлиги, иродасизлигидан ташқари ўз ўртоқлари орасида обрўсини йўқотишдан кўрқиш кабилар ҳам киради⁹.

Шахснинг криминоген хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари юз берган тажовузни ҳеч кимга сездирмасликка уриниши унинг бошқалар олдида шарманда бўлиш, обрўсизланиб қолиши каби оқибатлардан чўчишлигида намоён бўлиши мумкин. Масалан: айбдор Ш. 1997 йилнинг ўрталаридан 1999 йилнинг охирларигача давомли

⁶ Минская В.С., Черчель Г.И. Виктимологические факторы и механизм преступного поведения. - Иркутск, 1988. – С. 152.

⁷ Child abuse and neglect: Biosocial dimensions / Ed by Gelles R.Y., Lancaster Y.B. – N. Y.: de Gruyter, 1987. (реферат на русском языке см.: Жестокое обращение с детьми и детская заброшенность. – М., 1992. – С. 29)

⁸ Имелинский К. Психогигиена половой жизни. Пер. с польск. – М., 1972. – С. 52-57.

⁹ С.С.Ниёзова. [Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси.](#) /Монография. Т. 2020. 89 бет.



тарзда ўгай қизи А.нинг номусига тегиб, жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириб келган. Қачонки, хотини буни сезиб қолиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар қилгандан кейин унинг жинояти фош бўлган¹⁰.

Шунингдек, бу борада жабрланувчининг ҳуқуқий маданияти ҳам таҳлилга муҳтож бўлиб, бу маданият унинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга, содир этилган жиноятга, қонунга ишонмасликда ифодаланадиган муносабатидан, ўзининг шахсий ишончи ва одатларини реал ҳуқуқий йўналишлари йиғиндисидан иборат. Одатда жинсий дахлсизлиги (ёки эркинлиги) тажовузга учраган вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқий руҳияти сезиларли даражада ўзгарганлиги билан характерли-дир. Бу шахснинг ҳуқуқий кўрсатмаларга бефарқлиги, унга шубҳа билан қараши кабиларда намоён бўлади.

Демак, вояга етмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилишга қаратилган жиноятларнинг латентлигига сабаб бўлувчи ҳолатлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Жабрланувчида ҳаётий тажрибанинг етарли эмаслиги ва ҳуқуқий онгининг пастлиги;
2. Кўрқоқлик, шарманда бўлишга йўл қўймаслик, шунингдек маҳалладаги қўни-қўшнилар “гап”идан қочиб қутилиш;
3. Вояга етмаганнинг келажакдаги турмуши бузилиб кетишидан қўрқиши;
4. Тажовузчи, унинг яқин қариндошлари ёки ўртоқлари томонидан қасос олиш тарзидаги қўрқитувлар;
5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончсизлик туфайли уларга вақтида хабар бермаслик ва ҳ.к.

АҚШ мутахассисларнинг маълумот беришича, битта рўйхатга олинган номусга тажовуз қилинганлик ҳолатига 10 та рўйхатга олинмагани тўғри келади. Айтиш лозимки, АҚШдаги баъзи штатларнинг қонунига кўра, жабрланувчининг ахлоқига, хулқ-атворида қараб жиноят ишини тугатиш ҳам мумкин. Бизда эса масала бундай ҳал этилмайди. Вояга етмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига тажовуз қилувчи жиноятларнинг латентлиги нафақат АҚШда, балки айни вақтда давлатимизда ҳам юқори даражада (25%) ҳисоб-ланади.

Ўрганилган жиноят иши материаллари натижаларига кўра, вояга етмаган жабрланувчиларнинг 62%и – сигарета чеккан, 34%и – чеккан ва спиртли ичимлик истеъмол қилган, 18%и– гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилган, 20% жабрланувчининг баданига татуировка чизилган бўлган.

В.С.Минская томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ушбу турдаги жиноятларда 55% ҳолатларда - жабрланувчи мастлик ҳолатида бўлган, 30% ҳолатларда эса жабрланувчи айбланувчи билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилган¹¹. Спиртли ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш натижасида жинсий дахлсизликка тажовузларнинг жабрланувчиси бўлиб қолган ҳолатлар ҳам ҳаётда кўплаб учрайди.

¹⁰ Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг 1999 йилги архивидан.

¹¹ Минская В.С. Опыт виктимологического изучения изнасилования. Вопросы борьбы с преступностью. Выпуск 17. – М.: Юридическая литература, 1872. – С. 25.



Бундай ҳолатларнинг барчаси виктим хулқ-атвор сифатида криминоген вазиятнинг юзага келиши ва кучайиб боришига хизмат қилиши аниқ. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда жабрланувчи хулқ-атворини чуқур ўрганиш лозим бўлиб, бундай виктим хулқ-атворни қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жиноят содир қилишга иғво қилувчи (майллиқ уйғотувчи) хулқ-атвор. Бундай ҳолатда жабрланувчи ўз хулқ-атвори билан унчалик таниш бўлмаган ёки умуман таниш бўлмаган шахсларни бегона жойларда (айбдорнинг уйида ёки бошқа жойларда) жинсий алоқа қилишга ундовчи хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Бундай хулқдаги жабрланувчилар жинсий жиноятлар жабрланувчиларининг 10-15%ини (немис олимларининг тадқиқотлари бўйича 1/3 қисмини¹²) ташкил этади.
2. Иғво қилувчи характерга эга бўлмасда, жинсий алоқага киришишга объектив имконият яратиб берувчи хулқ-атвор. Масалан, аёл жинсдаги шахснинг кечки пайтда ҳеч ким бўлмаган ҳамда тажовуз содир бўлиш хавфи бўлган жойларда якка ўзи юриши ва ҳ.к. Бундай хулқ-атворли жабрланувчилар 35-40%ни ташкил этади.
3. Нейтрал характердаги хулқ-атвор. Бундай ҳолатда шахс ўз хулқ-атвори орқали жиноят қурбонига айланишини тушуниб етмаган ҳолда шунга шарт-шароит яратиб беради. Бундай хулқ-атвордаги шахслар тоифасига, биринчи навбатда, ёш болалар ва қариялар кириб, улар жабрланувчиларнинг 45-60%ни ташкил этади¹³.

Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган тажовузларда жабрланувчиларнинг криминоген тавсифини ўрганиш уларнинг ёш доирасига қараб таснифлашни тақозо этади. Бунда қуйидагича таснифлаш ўринли бўлади: 14 ёшгача бўлган вояга етмаган жабрланувчиларнинг криминологик тавсифи; 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг криминологик тавсифи.

Демак, бунда шубҳасиз 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган жабрланувчиларнинг криминогенлиги 14-18 ёшгача бўлганларнинг криминогенлигидан фарқ қилади.

А.Халиковнинг таъкидлашича, “ўсмирга нисбатан қаратилган тажовуз унга жисмоний зарар етказишдан ташқари ўсмирда жинсий муносабатларга вақтли қизиқиш уйғотиб, сурбетликка, ҳаммадан ғазабланишга ва бошқа салбий мотивларга сабабчи бўлади, шахснинг ахлоқий бузилишига олиб келади”¹⁴.

Б.А.Блиндернинг фикрича, “вояга етмаганларнинг номусига тегишдан келиб чиқадиган оқибатларни тасаввур этиш қийин, улар муқаррар бўлиб, йиллар давомида жабрланувчига таъсир қилиб келиши мумкин”¹⁵.

Вояга етмаган жабрланувчиларнинг кўпчилик қисмида жисмоний жиҳатдан соғломлик сақланиб қолган бўлсада, руҳий бузилишларга дучор бўлганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур туркум тажовузлардаги жабрланувчиларнинг криминоген хусусиятларидан яна бири тажовузга учраган вояга етмаганларнинг тажовуздан сўнг ўзларини ўлдиришга ҳаракат қилганликларида кўринади. Шунингдек, айнан руҳий

¹² Ichonfelder Y. Du Rolle des Madchins bee Sexualdelikten. Huttgard, 1968. - S 120.

¹³ Степанова О.Ю. Половые преступления по УК 1996г (общая характеристика и проблемы квалификации). Выпускная квалификационная работа. – Рязань: Московский институт экономики, менеджмента и право, 2001. – С. 33.

¹⁴ Халиков А. Ответственность за посягательство на интересы несовершеннолетних. – Нукус: Каракалпакстан, 1983. – С. 13.

¹⁵ Блиндер Б.А. Уголовно-правовая охрана свободы достоинство женщины. – Т.: ТашГУ, 1970. – С. 91.



аномалияга эга бўлган шахслар кўпинча такроран жинсий тажовузларнинг қурбонига айланиб қоладилар¹⁶.

Вояга етмаганлар шахсининг ўзига хос хусусиятларини ва унинг шаклланишини таҳлил қилиш жиноят қурбонлари бўлганларни ва бошқа шахсларни янги жиноятлар қурбони бўлишдан олдини олувчи чораларни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин шу нарсани таъкидлашни истардикки, жабрланувчиларнинг виктим хатти-ҳаракатларининг барчасини очиб бериш мушкулдир, чунки у ҳар бир жабрланувчининг ўзига хослигига, ҳаётий тажрибаси, маълумотларига ва бошқа омилларга боғлиқ¹⁷.

Шундай қилиб, вояга етмаган жабрланувчилар шахсини ўрганиш уларни тарбиялашдаги иштирок этувчилар ролини ошириш, уларнинг ахлоқий ва маънавий шаклланиш жараёнининг нормал кечишини ўз вақтида таъминлай олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вояга етмаганлар жабрланувчи бўлиб қоладиган ҳолатларга қарши кураш борасидаги фаолиятига кўмаклашади. Бу эса келажагимиз таянчи бўлган ёшларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Кузатишларга қараганда, жами номусга тегиш жиноятларининг ярмидан кўпида вояга етмаганлар жабрланувчи бўлган. Мутахасис ҳуқуқшуносларнинг тахминича, ҳар бир ҳисобга олинган номусга тегиш жиноятига 2,6 дан 4 тагача ҳисобга олинмаган шундай қилмиш тўғри келади¹⁸.

Н.А.Дремова маълумотларига кўра, у томондан ўрганилган вояга етмаган шахсларнинг номусига тегиш ишлари бўйича: 16% ҳолатларда жабрланувчининг хулқ-атвори жиноят субъектининг криминоген мотивига таъсир кўрсатган, 19% ҳолатларда жабрланувчилар жиноятчиларга ўзларининг ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларини намоён этган, 28% ҳолатларда вояга етмаган жабрланувчилар енгил табиатлиги билан характерланган¹⁹.

Тадқиқот натижаларига кўра, номусга тажовуз қилганлиги учун озодликдан маҳрум этилганларнинг 9,7% жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатида жинсий алоқа қилишга мойиллик бўлганлигини кўрсатишади. Шунингдек, ўтказилган сўровлар бўйича судланувчилар: 72,2% ҳолатларда жабрланувчилар билан олдиндан таниш бўлганликларини, 43% ҳолатларда эса жабрланувчилар томонидан уларга нисбатан қаршилиқ бўлмаганлигини кўрсатишган.

Хорижий олимлар Т.Н.Гиббанс, Сей Джейс Принч “Болалар жинсий жиноятлар қурбони” (Лондон, 1963 й.) китобида ёзишларича, номусига тажовуз бўлиб жабрланганлар, жиноятда иштирок этганлар фақат номусга тегишдан олдинги хатти-ҳаракатлари билан фарқланадиган хусусиятларгагина эга бўлиб қолмасдан, балки ҳар бири ўзига хос хусусиятга ҳам эгадир. Номусига тажовуз қилинган жабрланувчиларнинг

¹⁶ Свядоц А.М. Женская сексопатология. – Л., 1974. – С. 72-76.

¹⁷ S.Niyozova. [Approaches to the study of the physical and psychological prophylaxis of crimes committed against persons](#). Review of law sciences. 2018. Том 2. №4. P.18.

¹⁸ Каракетов Й.М. Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса.... – Т.: ТДЮИ, 1999. – Б. 27.

¹⁹ Дремова Н.А. Вопросы мотивации преступлений несовершеннолетних (по материалам уголовных дел по ст. 117 УК РСФСР) // Сб. Вопросы борьбы с преступностью. - 1971. - Выпуск 14. – С. 109.



қўплари ўта ўзгарувчан, таъсирга берилувчан, тасодифий алоқа қилишга мойил қизлардан иборат²⁰.

Вояга етмаган шахсларнинг номусига тегиш учун жавобгарлик нормаларини белгиловчи моддалар диспозициясини аниқлашда қонун чиқарувчи томонидан ҳимояга олинган шахсларнинг аниқ ёшини 18 ва 14 ёш қилиб белгиланди. Бу билан вояга етмаган ва кичик ёшдагиларнинг номусига тегиш атамалари билан боғлиқ муаммолари бартараф қилинди. Энди олдингидек жабрланувчининг жинсий етук ёки етук эмаслигини аниқлаш учун ўтказиладиган турли экспертиза, тергов ҳаракатларига барҳам берилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, номусга тегиш жинояти бўйича вояга етмаган жабрланувчиларнинг ёши ўрганилганда улар статистик жиҳатдан қуйидагича тавсифлаш мумкин: 12 ёшгача – 18%, 12-14 ёшгача – 16%, 14-16 ёшгача – 24%, 16-18 ёшгача – 42%ни ташкил этади.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, номусга тегиш жиноятида жабрланувчиларнинг 1\3 қисми 14 ёшга тўлмаган шахслар ҳисобланади, шунинг учун ҳам бундай шахслар қонунчилик органи томонидан “ёш бола”лар деб топилиб (ЖК 56-м 1-қ “б” бандига қаранг), уларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб қўйилган.

14 ёшга тўлмаган шахсларнинг номусига тегиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЎзР ЖК 118-модда 4-қисмида белгилаб қўйилишининг сабаби:

Биринчидан, 14 ёшга тўлмаган шахсларнинг номусига тегиш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилувчи бошқа жиноятлардан юқо-рироқ ҳисобланади.

Иккинчидан, аксарият 14 ёшга тўлмаган жабрланувчилар уларга нисбатан содир этилаётган хатти-ҳаракатлар моҳиятини тушуна олмайди (ва бу ҳақда ўзига ҳисобот беролмайди).

References:

1. Bohndorf, D. Mord, Raub, Terror, Drogen ... Kriminalität im Imperialismus heute / Dieter Bohndorf, Reinhard Gelbhaar. Berlin, 1987. - S. 44.
2. Schwind, H.-D. Kriminologie: e. praxisorientierte Einf. Mit Beispielen / von Hans- Dieter Schwind. – 2, durchges. u. aktualisierte Aufl. Heidelberg, 1988. - S. 266.
3. С.С.Ниёзова. [Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий ёндашувлар](#). Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences.Т. 2018. №4. 82-86 бетлар.
4. Жетписбаев Б.А. Социально-правовые аспекты девиантного поведения несовершеннолетних // Ж. Человек и право. - 2000. - № 4(6). – С. 58-63.
5. Якобсон М.Н. Эмоциональная жизнь исполнина. – М., 1966. – С. 14.
6. Минская В.С., Черчель Г.И. Виктимологические факторы и механизм преступного поведения. - Иркутск, 1988. – С. 152.

²⁰ Каракетов Й.М. “Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса...” Тошкент. 1999, 33- бет.



7. Child abuse and neglect: Biosocial dimensions / Ed by Gelles R.Y., Lancaster Y.B. – N. Y.: de Gruyter, 1987. (реферат на русском языке см.: Жестокое обращение с детьми и детская заброшенность. – М., 1992. – С. 29)
8. Имелинский К. Психогигиена половой жизни. Пер. с польск. – М., 1972. – С. 52-57.
9. С.С.Ниёзова. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. /Монография. Т. 2020. 89 бет.
10. Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг 1999 йилги архивидан.
11. Минская В.С. Опыт виктимологического изучения изнасилования. Вопросы борьбы с преступностью. Выпуск 17. – М.: Юридическая литература, 1872. – С. 25.
12. Ichonfelder Y. Du Rolle des Madchins bee Sexualdelikten. Huttgard, 1968. - S 120.
13. Степанова О.Ю. Половые преступления по УК 1996г (общая характеристика и проблемы квалификации). Выпускная квалификационная работа. – Рязань: Московский институт экономики, менеджмента и право, 2001. – С. 33.
14. Халиков А. Ответственность за посягательство на интересы несовершеннолетних. – Нукус: Каракалпакстан, 1983. – С. 13.
15. Блиндер Б.А. Уголовно-правовая охрана свободы достоинство женщины. – Т.: ТашГУ, 1970. – С. 91.
16. Свядош А.М. Женская сексопатология. – Л., 1974. – С. 72-76.
17. S.Niyozova. Approaches to the study of the physical and psychological prophylaxis of crimes committed against persons. Review of law sciences. 2018. Том 2. №4. P.18.
18. Каракетов Й.М. Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса.... – Т.: ТДЮИ, 1999. – Б. 27.
19. Дремова Н.А. Вопросы мотивации преступлений несовершеннолетних (по материалам уголовных дел по ст. 117 УК РСФСР) // Сб. Вопросы борьбы с преступностью. - 1971. - Выпуск 14. – С. 109.
20. Каракетов Й.М. “Агар жиноятчи сизга тажовуз қилса...” Тошкент. 1999, 33- бет.